

ЎЗБЕКИСТОН – МИСР ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ БОСҚИЧ БОШЛАНМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Икки давлат масъул идораларига савдо айланмасига қўлай шарт-шароит яратиш, товар айирбошлаш тузилмасини тўлиқ диверсификация қилиш ва унинг ҳажмини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий изланишлар натижалари ва илгор тажрибани алмашишга келишиб олинди. Ишбилармон доиралар вакилларининг Ўзбекистон ва Мисрда ўтказиладиган кўргазма-ярмаркаларда иштирок этиши рағбатлантирилди.

Миср Президентининг ташири доирасида ўтган Ўзбекистон — Миср бизнес-форуми ана шу мулоқотларнинг узвий давоми бўлди. Ушбу форумда умумий қиймати 400 миллион доллардан зиёд шартномалар имзоланди. Бу ҳам иқтисодий соҳада улкан имконият ва ресурслар борлигини далолатлар.

Мамлакатларимиз қадимда Буюк ипак йўлининг

асосий тармоқлари бўлган. Бугунги кунда ташқи бозорларга тез ва самарали чиқишни таъминловчи транспорт ва транзит йўлакларини ривожлантириш давлатларимиз ўртасида савдо ҳажмини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда халқаро сув йўлаги сифатида Сувайш каналининг аҳамияти беқиёс. Сувайш каналидаги иқтисодий зона Ўзбекистон вилоятларининг жаҳон бозорига олиб чиқишни енгиллаштиришда қўлай имконият яратаяди.

Ўзаро савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришда ҳудудлараро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Музокарада Наманган ва Исқандария вилоятлари ўртасида бевосита ҳамкорлик ўрнатиш, яқин кунларда ушбу вилоят делегациясининг юртимизга таширифини ташкил қилишга келишиб олинди.

Миср туризм соҳасида катта салоҳият ва тажрибага эга мамлакат. Бугун-

ги кунда Ўзбекистонда ҳам ушбу тармоқ жадал ривожланмоқда. Музокарада бу соҳадаги ҳамкорлик бўйича ҳам илмий натижаларга эришилди. Мисрнинг Ал-Азхар университети ва бошқа илмий-таъқиқот муассасалари билан Ўзбекистон халқаро Исроом академияси, Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-таъқиқот маркази ва Исроом цивилизацияси маркази ўртасида фаол ҳамкорлик ўрнатишга келишиб олинди.

Музокарада халқларимизнинг маънавий яқинлигини инобатга олиб, қўшма маданий тадбирларни кўпайтириш, айна пайтада, таълим, им-фан, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда ўзаро алоқаларни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Музокарада яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Миср Араб Республикаси Президенти Абду-

лфаттоҳ ас-Сисининг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасида ёшлар, спорт, инвестиция, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик туғрисида Англашув меморандумлари, таълим, туризм, археология, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга доир битимлар, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2019-2020 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури ва ақлия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми сингари жами 12 ҳужжат имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар мулоқотлар очик, дўстона ва амалий руҳда ўтганини, ҳамкорликни ривожлантиришга доир кенг қамровли масалалар муҳокама этилганини таъкидладилар. Имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Мисрнинг узоқ мудатли манфаатларига, мамлакатларимизни ривожлантириш ва халқларимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилишини қайта эътибор қилди.

— Миср Президентининг Ўзбекистонга таширифини мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда тарихий аҳамиятга эга бўлди, — деди

Шавкат Мирзиёев. — Биз икки томонлама муносабатларга доир ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар юзасидан атрофича фикр алмашидик. Ишончим комилки, ушбу келишувлар Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан бойитиб, ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янги, юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

— Ўзаро самимий мулоқот ва Миср делегациясига кўрсатилган меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Президенти ва халқига миннатдорлик изҳор қиламан, — деди Абдулфаттоҳ ас-Сиси. — Бугун имзоланган ҳужжатлар яқин келажакда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўламини кенгайтириш ва жадаллаштиришга хизмат қилади. Ушбу келишувлар мамлакатларимиз ва халқларимизнинг бир-бирига муштарак интилишлари самарасидир.

Абдулфаттоҳ ас-Сиси Шавкат Мирзиёевни расмий таширифин билан Мисрда тақдир қилди.

Шу билан Миср Араб Республикаси Президентининг мамлакатимизга расмий таширифини ниҳоясига етди.

Матназар ЭМУРОДОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

DUNYO BIZ HAQIMIZDA



“PSEARCHER” ТАРИХИМИЗНИ ТИЛГА ОЛДИ

Хитойнинг “Psearcher” ноширлик компанияси веб-сайтида “Шаҳрисабз Халқаро мақом санъати анжуманига чорлайди” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда 6 – 10 сентябрь кунлари юртимизда бўлиб ўтган инфузали санъат анжумани, шуниингдек, унга меъзолик қилувчи кўхна Шаҳрисабз кенти ҳақида батафсил маълумот берилган.

“Шаҳрисабз Ўзбекистоннинг энг гузал гўшаларидан бири, — деб ёзилди мақолада. — Замонавий шаҳарнинг чор атрофига назар ташласангиз, у 2700 ёшда экани ҳамда Марказий Осиё минтақаси тарихида салмоқли ўрин тутганига ишонгингиз келмайди. Қадимда Шаҳрисабз кўхна Сўғда давлатининг пойтахти бўлиб, Кеш номи билан юритилган. Уша даврда шаҳар маданият, савдо ва хунармандчилик маркази сифатида

дунёга танилган”. Муаллифлар Буюк бобомиз Амир Темури ҳам тилга олади. Соҳибқирон Шаҳрисабзни ўз қароргоҳига айлантиргани ва Оқсарой деб аталмиш ажойиб сарой қуришга амр қилганини ёзади. “Psearcher” ўз ўқувчиларига Шаҳрисабз бағридаги бир қанча тарихий-меморий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олганини ҳам эътибор қилган.

“TRT” ва “АНАДОЛУ” ЭЪТИБОРИДАМИЗ

Президентимиз ташаббуси билан илк бор ташкил этилган Халқаро мақом санъати анжуманига оид хабарлар турк оммавий ахборот воситалари орқали ҳам узатилмоқда.

Ақсарият материаллар “TRT” давлат телерадиокомпанияси ҳамда “Анадолу” Миллий ахборот агентлиги журналистлари томонидан тайёрланиб, маҳаллий ва дунё медиа маконига тарқатилди. Ўз навбатида, “TRT” нуфузли тадбирни ёритиш учун мамлакатимизга махсус делегациясини йўлаган. Бу эса, туркияликларнинг мақом санъатига қизиқиши бўлачқа эканидан далолат беради.

Эслатиб ўтамиз, Халқаро мақом санъати анжуманида биродар мамлакат номидан Ардаан университети мақомчилар гуруҳи ҳамда Истанбул университети Муслиқ илмий тадқиқотлари маркази экспертнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Туркия давлат телера-

диокомпанияси ижодий гуруҳи эса, ўзбек мақом санъати мактаби ҳақида махсус курсатувни суратга олади. Шу мақсадда юртимиз ва хоризда танилган санъат намояндалари, жумладан, Юнус Ражабий сулоласи вакиллари, Муножаб Йўлчиева, Дуторни қизлар мақом ансамбли ва бошқа хонандаю созандалардан интервьюлар олиш қўзда тутилган. Шу билан бирга, курсатувда бугунги кунда миллий мусиқа санъатимиз, жумладан, мақом санъатининг нуфузини ошириш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсати хусусида ҳам фикр-мулоҳаза юритилди. Ижодий гуруҳ Тўшкент, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларига ташириф буюриб, махсус дастур учун материал тўплайди.

“TREND AZ”дан ТУРКУМ МАҚОЛАЛАР

Озарбайжоннинг “Trend az” ахборот агентлиги Ўзбекистоннинг халқаро ҳаётига бағишланган “Ўзбекистон Президенти Тожикистоннинг йирик давлат арбобларини тақдирлади”, “Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлида газ баллоналари ишлаб чиқармоқда”, “Ўзбекистон йил якунига қаар 5 та ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга оширмоқчи”, “Ўзбекистон ва Қозғистон ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлида муҳим масалаларни ҳал этиди” каби мақолаларни эълон қилди.

Мақолаларда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги, йирик миқдордаги инвестициялар асосида мамлакатда салмоқли бизнес лойиҳалар амалга оширилаётгани, бундай лойиҳаларни татбиқ этиш учун яратилган имкониятлардан инвеститорлар мамнун бўлаётгани қайта эътибор қилди.

Шунингдек, Президентимизнинг чет эл давлатлари билан му-

носабатларни яхшилаш йўлидаги ташаббуслари мамлакат раҳбарлари томонидан қўлаб-қувватланаётгани эътибор қилинди. Хусусан, Тожикистон раҳбари Эмомалӣ Раҳмоннинг Ўзбекистонга таширифини доирасида икки давлат ўртасида 27 та, Қозғистон делегациясининг Ўзбекистонга таширифини доирасида қўлаб-қувватлаш ҳамкорлик келишувлари имзолангани айтиб ўтилган.

Ахборот агентликлари материаллари асосида тайёрланди.

6 ЖАМОА, 600 ХИЛ ТААССУРОТ

Беҳзод НЕЪМАТОВ



А.КАТТАЕВ

Бухоро шаҳрида “Ёшлар — келажак бунёдкори!” шiori остидаги ёшлар фестивали голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ибн Сино номидagi фанворалар майдонида ташкил этилган тантанали маросимда 7-13 ва 14-20 ёш тоифасида аниқланган голиблар шарафланди.

Фестивалнинг қуйи босқичларида минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этган. Дамли ва торли, эстрада ҳамда ўзбек миллий чолғу ансамбли орасидан олтинга энг маҳоратли жамоа сараланиб, якуний босқичда беллашиш

имконига эга бўлди. — Давлатимиз биз, ёшларга ниҳоятда ғамхўр, — дейди “Офарин” жамоаси аъзоси Баҳодир Бахшилов. — Миллий санъатимизга эътибор ҳам бўлачқа. Бундан беҳад қувонаман.

Президентимизнинг: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улғў аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Мен ишонман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажгимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади”, — деган гапи мени ҳамиша олға интидишга, ижод қилишдан толмасликка ундайди. Шу юрт фарзанди эканидан фахрланаман!

ЎЕШИТИНГИЗМИ? ЎШДА ЎЗБЕК МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Азамат МАҲМУДОВ

Янги мактаб-гимназияга буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоий номи берилган. Уч қаватли, 630 ўринга мўлжалланган таълим масканида билим олиш учун барча шароит-

лар мавжуд. Спорт зали, мини футбол майдони, 150 ўринли ошхона ўқувчилар ихтиёрида.

Мактабнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон

Республикасидаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Комила Рашидова, Андижон вилояти ҳокими Шўҳратбек Абдураҳмонов ҳамда Уш вилояти губернатори Ўраббек Жилқибоев иштирок этди.

БИЗ СИЗНИ ЯХШИ КЎРАМИЗ!

(Бошланиши 1-саҳифада)

Умуман олганда, Осиё уйинлари баҳонасида биллаги кучга тулган, Ватанига сиққидилдан хизмат қилишни, унинг шон-шавкатини кўтаришни олий саодат деб билган қоракўз ёшларимиз Ўзбекистон фарзандлари нимакарга қодир эканини бундан аслога кўрсатиб қўйди, десак жаҳо муболага қилмаган бўламиз.

Мана масалан, Руслан Нурудинов. У Ўзбекистоннинг чинакам фахри! Гилганча чиқиб навбатни келгунча бамайхотир мусиқа эшитиб, кейин бирваркайига 230 кило тошни кўтарган ва андижонлик паҳлавонга қойил қолмаган одам қолмади-я.

Барақалма, чемпион! Ўзбекка ярашган иш қилганин учун отангга раҳмат! Боксчиларимиз финал баҳсларига киришганда, айрим шарҳловчилар: “Етти вази тоифасида финалга чиққанимиздан ҳатто ҳакамлар ранжиб, рақибларимизга ён босмоқда!” — деган гапни-да айтишга мажбур бўлди. Бировга ёқадими-ёқмайди, лекин Индонезия рингларини ишғол этган ўғлонларимиз мавжуд еттига олтин медалдан нақ бештасини ўз ҳисобига ёзиргани (қолган иккитаси — кумуш) катта гап.

Чорак финалда Корея термасига атиги битта голга мағлуб бўлган, интернет орқали халқидан, Президентидан, кецирим сураган футболчилар ҳам юртимиз

қахрамонлари аслида. Ва биз уларни чин дилдан яхши кўрамыз. Яшириб нима қилдик, жамоамиз муСОбақада фаворит, деб тан олинди. Ҳатто ялонлар биздан бироз ҳайқиб туради ва плей-оффдаги йўли фақат финалда кесишишдан қувонди. Ҳарқалай, Корея ҳам бизга қарши чўчиброқ уйнагани рост.

Хуллас, айтварсақ гап кўп. Хулоса эса, битта — XVIII Осиё уйинлари юртимиз спортини юқори поғонага кўтара оладиган мард, ватанпарвар ва доварак ёшларимиз оз эмаслигини намоен этиди. Демак, бундан кейинги галабаларимиз янада зиёда бўлган!

Шерзод МАҲМУДОВ

MUNOSABAT ETKAZGANIGA SHUKR

Раҳматжон ҚУРБОНОВ, Урганч шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, “Меҳнат шўҳрати” ордени соҳиби

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлганам. Қаранг, орадан йигирма беш йил ўтди... Кун кеча Президентимиз мени “Меҳнат шўҳрати” ордени билан ҳам тақдирлади. Отамнинг гапи доимо ёдилди: “Ватанига беиннат хизмат қилганини халқи ҳам ардоқлайди”, — дерди у. Мени устоз маконига етказган, эл ардоғига инсон бўлиш, тинчлик сазонида яшаш, юртга садоқат билан хизмат қилишдек беназир бахтни насиб айлаган Яратганга беазада шукрона келтираман.

2017 йил, 3 август. Бу сана ҳаёт сономамда олтин ҳарфлар билан муҳланди. Уша кун давлатимиз раҳбари миллий маданиятимиз намояндалари билан учрашиб, салоҳиятимизга юқори баҳо берганида нақадар қувонганимни билсангиз эди. Бундай самимий суҳбат, у орқали бутун санъат аҳлига ифода этилган ғамхўрлик, улкан эътибор ва ишонч

бизга янги куч, янги аилҳом бахш этгани рост. Аиникса, республикадаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари, ижодий марказларга адабиёт, санъат ва маданиятимизнинг кўзга қўринган вакиллари бадий раҳбар ёки директор этиб тайинлаш туғрисидаги тақдир жуذا оқилонга бўлди, назаримда. Бундай ёндашув, шубҳасизки, соҳада “Устоз-шогирд”

анъанасини тиклаш ва мустақамлаш, шуниингдек, маданият масканларида ижодий муҳитни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Айни вақтда “Санъатнома” китобининг иккинчи қисмини чоп этишга тайёрларик кўряпмиз. Унда мақом турлари, мактаблари ҳамда мунотоз мусиқамизга оид бошқа кўплаб қимматли маълумотлар жамланган. Утган йили устозим Комижон Отаниёзов ҳамда ўз шeryларимдан иборат “Устоз йўлидан” деб номланган жамланмани нашр этгандик. Қолаверса, устознинг ҳаёти ва ижоди ҳақида хикоя қилувчи “Уч бустон булбули” номили драмама Огахий номидаги Хоразм вилояти мусиқали драма ва комедия театрида сахналаштирилди. Асар муҳлислар томонидан илиқ кутиб олингани мен учун фахр, албатта.

Ҳа, инсон қадр-қиммати улуғланган мамлакатда яшаймизки, мақсадаларимиз бирма-бир рўёга чиқмоқда. Иқтисодий билан халқаро майдонда миллат шон-шавкатини юксалтиришга интиган борки, ҳар жиҳатдан қўлаб-қувватланмоқда. Мана шундай умидбахш кунларга етказганига шукр!

ЭРКИН ВОҲИДОВ НОМИДАГИ МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ИШ БОШЛАДИ

(Давоми 2-саҳифада)

Эркин Воҳидов “Тонг нафаси”, “Қушигим сизга”, “Ақд ва юрак”, “Менинг юлдузим”, “Ёшлик девони”, “Тирик сайёралар”, “Шарқий қирғоқ”, “Келажакка мактуб” каби шeryи тўпламлари, “Нидо”, “Қуёш маскани”, “Рўхлар исёни”, “Қўхнур” каби достонлари, “Олтин девор”, “Истанбул фожиаси” сингари саҳна асарлари, “Сўз лилофати” бадий рисоласи, шуниингдек, жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилган таржималари билан ўзига хос ижодий мактаб яратган улкан шоирдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш туғрисида”ги қарори асосида ўзбек адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган адиб ижодий меросини ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Президентини

мизнинг ташаббуси билан Марғилон шаҳрида ижодкорлар боғи ташкил этилиб, Эркин Воҳидовнинг хайкали ўрнатилди, мемориал музей барпо қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 майдаги қарори билан Марғилон шаҳрида Эркин Воҳидов номидаги ўзбек тили ва адабиёти фанини чуқур ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этилди.

Маъмур мактабда ўқувчилар учун барча шароит яратилган. Муассасанин моддий-техник базасини мустақамлаш мақсадида уни ётоқхона, ошхона, кутубхона, фаоллар зали ва ўқув-лаборатория жиҳозлари ҳамда компьютер техникаси, ўқув-методик жаммуолар, ўқитувчилар учун методик қўлалма ва бадий адабиётлар билан таъминлаш чоралари кўрилди.

— Мактаб-интернатни ташкил этишдан мақсад Эркин Воҳидов номини

абдийлаштириш, шоир издошларини кашф этиш ва уларнинг ўз истеъодини кенг намоен этиши учун шароит яратишдир, — дейди мактаб-интернат директори Нигора Маннопова. — 2018/2019 ўқув йилида 5-8-синфларга 150 нафар истеъодли ўқувчи қабул қилинади. Албатта, бу маскан Эркин Воҳидов каби буюк ижодкорларни вояга етказишга хизмат қилади.

Мактаб-интернат ўқувчилари томонидан таниқли шоирнинг рус, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинган шeryлари ёдан ўқилди. Бу ердаги илк сабоқ “Азиз ва ягонаман, жонажон Ўзбекистоним!” шiori остида ўтказилиб, истиқлолимизнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Мактаб-интернатнинг очилишида Фаргона вилояти ҳокими Ш.Ғаниев сўзга чиқди.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

MULOHAZA UCHUN MAVZU

ОТА ҚАДРИ БАЛАНД БЎЛСИН

Бахтиёр БЎКАЕВ

XIX аср охирларида Ўрта Осиёга саёҳат қилган европалик олим Ҳерман Вамбери ўзбеклар ҳақида шундай фикрларни билдирган: "Ўзбекларнинг оилавий муносабатларини асл намуна ҳисобласа бўлади. Ўрта ёшга бориб қолган фарзандлари ҳам ота-оналарига жуда ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Ўзи 30-40 ёшларга бориб қолган ўғил ҳам отасининг биринчи қарашидек сергак тортади ва ҳеч қачон отаси бор пайтда биринчи ўтирмайди, биринчи гапирмайди".


да эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар, келин ҳамда қайнона-қайнопа ўртасидаги муносабатлар анчайин ўзгаргандек, назаримизда. Айниқса, қайнона-келин ўртасида мождарлар "огриқли нуқта" мизга айланди. Улар кўпгина бадий фильмлар, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар, ҳатто кизиқчилик санъатининг ҳам бош мавзуси бўлиб қолди. Золим, инжиқ, моллараст қайнона, янги муҳитта мослаша олмаган келин, қайси бирига қулоқ солишни билмай боши қотган ота ва ўғиллар — оила драмасынинг бош қаҳрамонидир... Бироз мушоҳада қилиб кўрсак, муаммонинг илдизи аввалбошдан хотинини йўлга соломлаган эркакларда экани аёнлашади.

Тўйларимиз ҳақидаги ўйларимиз ҳам тугамаяпти. Кунора урфга киритилган янги-янги одатлар, исрофгарчилиги дабдалабар, ортиқча сарф-харажатлар ҳақида қанча гапирмайлик, негандир вазият баттар авж олаётди. Фикримизча, бунга маълум маънода мавжуд кўрсаткичлар бартараф этиш мақсадида тайёрланиб, оммавий ахборот воситалари орқали эфирга узатаётган медиа тарбиёт воситалари ҳам сабаб бўлмоқда. Баъзан улар тексари тасир кўрсатмоқда. Йўқса, олис қишлоқларда ҳам азалий урф-одатлар четда қолиб, ўйлаб топилганларига эргашиб ҳолатини нима билан юзлаш мумкин? Яқин-яқингача юртимизнинг кўп жойларида тўй-ҳашам ҳаражати кўв томон кўтарар, келин сепи ўрнини бир-иккита совға босари, хоҳос. Ҳар қайси маросимни ўтказиш тартиби қатъий белгиланган бўлиб, уни барча беистисно қабул қиларди. Маҳалла (қишлоқ) оқсоқоллари кенгашиб, барча масалага оидлик киритарди. Ҳозир эса, вазият тамомила ўзгар-

ган. Қўша-қўша тоғораю адоғи йўқ сарпо-суруғ йиғиш келин учун одатий ҳол бўлиб қолди. Турнақатор тўй кортежлари ва эрталабгача давом этадиган бозму жамшидлар ҳақида-ку, гапирмай қўя қолайлик. Миттигина қурт чинорни қўлатади, деган ҳикмат бор халқимизда. Камина бир пайтлар қишлоғимиз оқсоқолларининг тўй-маърака пайтида, чегарадан чиққоқи бўлган ёшларга мурасасиз бўлгани, уларнинг отаси олдида масалани кўндаланг қўя олганига кўп бора гувоҳ бўлганман. Демак, отанинг гапи гап бўлсагина ишда барақа унади.

Яна бир масала. Қайнонанинг келин устидан яққа ҳукмронлик ўрнатиб психологияси барча ҳудудлар ва оилалар учун хос эмас. Ижодкорларимиз марказдан четроққа ҳам қадам босса, бир доира ичида қолиб кетганига амин бўларди. Ҳолбуки, келинни ўз шажарасининг бир ҳалқаси, келгуси наслининг ҳимоячиси сифатида қабул қилиб, ўз қизидан-да ортиқ кўришни фарзу қарз билдирганлар ҳам бор. Оилада ёши катталар келинга тил учидан "сиз" эмас, чин кўнгилдан "сен" деб мурожаат қилади. Гарчи драматизмини кучайтираётгандек бўлса-да, экранда курган қайнонага тақдир қилиб, фарзандлари турмушини бузишга ёки орага совуқчилик солишга сабабчи бўлган оналарнинг борлиги айни ҳақиқат.

Ибрат бўларли оила, унда отанинг муносиб ўрни талқини "Ўткан кунлар" романида тўлақолини ифода этилган. Юсуфбек ҳожи ҳеч кимга зугум қилмайди, ҳар қандай масала юзасидан қарор қабул қилишда сермулоҳаза. Отабекни иккинчи марта уйлантириш мождарларига Юсуфбек ҳожининг сўнги сўзи нуқта қўяди: "Биз ҳозир андишанинг бандаси, мен эмас онанг биравни ишондириб қўйган: бизнинг оиладан лафзсизлик чиққиши менга маъқул кўринмайди..." Оталаримиз сўзи ҳамisha мана шундай кескир бўлсин! Отаси бор жойда фарзанд биринчи ўтириб, биринчи гапирмасин!



Рисов: Жаҳонгир МИРЗО

Дарҳақиқат, асрлар оша ўзбек оилаларида ўзига хос ички ва ташқи тартиб-қоидаларга амад қилиб келинган. Айниқса, отанинг ўрни бўлак ҳисобланган. Ҳар қандай муаммони ҳал этиш, тўғри қарор қабул қилиш, оиланинг моддий-маънавий таъминоти отанинг зиммасида бўлган. Шиддатли ва кескин ўзгаришлар гирдобидида қолган ҳозирги замонимизда-чи? Бугун ўзбек оилалари-

қарор қабул қилиш, оиланинг моддий-маънавий таъминоти отанинг зиммасида бўлган. Шиддатли ва кескин ўзгаришлар гирдобидида қолган ҳозирги замонимизда-чи? Бугун ўзбек оилалари-

SHUKRONA

МЕНИНГ ДЎСТИМ ЛЕЙТЕНАНТ!

Нозим АШУРАЛИЕВ, журналист

"Беш мартаба имтиҳондан йиқилиб, Ички ишлар академияси остонасидан бош эгиб қайтганман. Гоҳ билимим камлик қилган бўлса, баъзан омад юз ўтирган. Мен қатори талаба бўла олмаган айрим дўстларим "эплоамас эканман, барбир курсант бўлолмайман", деганча бошқа соҳаларга ўтиб кетди. Бир-икки қоқилишдаёқ орзусидан воз кечди. Аммо мен танлаган йўлимдан бир лаҳза ҳам чекинмадим".

Лейтенантлик либосини экингани кийган дўстининг бу сўзларидан завқланиб, "Яшавор азамат!" дегим келди. Унинг қувончи ичига сиймаётгани, аммо шу кунларга етиб келиш машаққатини ҳам унутмагани яққол билганини турарди. Айтганча, жорий йилда илк мартаба Ички ишлар академиясини тўртинчилар билан бирга учинчи курслар ҳам битириб чиқди. Бу катта янгилик.

Академия биноси лейтенантлик унвонини олган йиғитларнинг қариндош-уруғлари ва биз каби дўстлари билан гавжум. Атроф файзли. Ёш лейтенантлар шу кунгача неча бор сафда шаҳадам қадам ташлаб юрган бўлса-да, бугун яқинлари олдида кучли ҳаяжон ва масъулиятни туйган ҳолда доимидан ҳам ўқитмоқ кўринишида, виқор билан оидлашга уринар ва буни қойимлақом қилиб бажарарди. Ҳозиргина сафнинг олдида йўлбошиқ бўлиб турган, баланд овоз билан: "Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!" — деган йиғит, биз йўқлаб келганимиз — Иброҳимжон бўлади. У газета мухбирига интервью берапти.

Иброҳимжон билан Андижонда бирга ўқиганимиз. Кейин мен журналистика факультетига кирдим, у, ўзи айтгандай, беш йиллик уринишдан сўнг, Ички ишлар академияси курсанти бўлди. Матонатли йиғит чиқди ўзим. Дўстим курсдошларига нисбатан баланд бўйбаста ва ёшининг катталиги билан яққол ажралиб туради. Битта курсда ўқисам, бошқалар "Иброҳим ака" деб қақришибни кўп эшитганман.

Академияда ўзига хос шукҳули онлар... Ота-оналар фарзандларини табриклаган, суратга тушган, бирови телевиденияга, бирови радиога интервью берапти...

— Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги "Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида" қи қарорини академиянинг барча тингловчилари, айниқса, мен катта хурсандчилик билан қутлиб оладим. Сабаби унга кўра биз сабоқ олган кундузги таълим шакли энди тўрт йилдан уч йилга қисқартирилиб, қайноқ ҳаётга бир йил олдин шўнғинимиз кўзада тўтилган. Бу янгиликдан ҳаяжонга тушган бўлса-да, аммо барчамиз бунга тайёр эдик. Олган билим ва салоҳиятимизга тўлиқ ишонамиз. Айниқса, тенгдош дўстларим икки-уч йил олдин ўқишни тамомлаб, ҳозир ишни бошлаб юрганни ичимни қизитарди, — деб жавоб берарди мухбирнинг навбатдаги саволига Иброҳимжон.

Журналист бўлганим учун ҳам бу сўхбат менга жуда қизиқ туюлди. Ҳаммасидан ҳам қизиғи, бир четда ҳайратнигоҳи билан фарзандига боқиб, чуқур ўйга чўлган, чеккан машаққати шу бугун ариётган Иброҳимжоннинг ота-онасини кузатиш эди. Бехосдан: "Эҳ, қандай бағрикенг ота-онасиз-а!" — деб юборибман. Ахир, зурриёдиннинг ҳаётда беш мартаба қоқилишини кўриш, унинг кўнглига таскин бериб, курашга қайта рағбатлантириш ва ниҳоят, барча синовларни енгиб ўтиб яна кўз ёшларсиз мардонавор туриш осон эмас. Бунинг учун тоғдай бардош керак.

— Уч йил давомида академияда кўп билимларни ўзлаштирдик. Ҳам жисмонан, ҳам ақдан чиниқдик. Профессор-ўқитувчилардан, бевосита бошқаларимиздан Ички ишлар ходими учун зарур кўникмаларни олдик. Ҳозирги кунда юртимиздаги барча соҳаларда бўлгани каби ички ишлар тизимида ҳам кенг кўламини ислохотлар амалга оширилиб, ҳар бир ходим зиммасига янада катта масъулият юкланяпти. Ички ишлар органлари ходимларининг фаолияти энди баҳолашиб борилиши ва шунга яраша муқофот ёки жарима қўлланилиши биздан ишимизга бошқача ёндашишни талаб этади. Мустақил фаолиятни ана шу ўтиш даврида бошлаганимиз ютук

деб биламан. Сабаби сўягимиз шиддатли ўзгаришлар даврида қотса, келажақда қиянқайиш ишлаймиз.

Дўстим интервьюни тугатди. Мухбир билан хайрлашди. Дўстининг олти ёшли жияни тоғаси учун олиб келган совғасини берди. Ҳамма хурсанд. Мен ҳам жим турмай: "Дўстим, интервьюнинг қолганини энди мана менга берасиз-да", — дедим.

Қарасам, сал нарида академияни тамомлаётган яна бир лицейдош ошнам Машҳурбек оиласи қуршовида турибди. Уни табриклагани бордим. Дўстона кўришдик. Мени кўриб хурсанд бўлиб кетди. Яқинларини ҳам қутладим. Таъбирнинг расмий қисмидан сўнг келганлар бирин-кетин ташқарига чиқа бошлади. Барча битирувчилар биринчи ойлик маошини шу ердан олиб ўйга равона бўлар экан. "Давлат сизларни уйга қийналмай эғит олишингиз, ишни осон йўлга қўйишингизни ўйлабди-да", — дедим дўстларимга қараб. Кейин улар мени ичкарига бошлади.

Академиянинг ўқув бинolari, ётоқхона, ошхонани томоша қилдик. Ошхонада иккинчи курслардан ўн чоғи йиғит тушлик дастурхонини тайёрлаётгани устидан чиқдик. Уларнинг кечганига ўзларидек курсант бўлган, бугун лейтенант унвонини олган акаларига "Ўртоқ офицер!" — деб мурожаат қилгани мени тўқилантириб юборди. Дўстларим эса, бир-бирига маъноли қараб қўйдилар. Укаларидай бўлиб қолган бу йиғитлардан самимий табриклар эшитди. Сўнг биринчи маошини олиш учун ҳамма қатори бухгалтерияда навбатга туришиб, ўн беш дақиқаларда қўларинда пул билан чиқди.

...Уч йил бирга ўқиган жонажон дўстлар хайрлашарди. Бирни Хоразмга, бири Андижонга, қолганлари бошқа-бошқа вилоятга кетади. Иброҳимжон ҳам, Машҳурбек ҳам узоқ хайрлашиб, машиналарга ўтиради. Улар энди Андижонда хизмат қилади. Мен эса, бир олам таассуротлар билан пойтахтдаги ишхонам сари равона бўлдим.

Орадан бир неча ҳафта ўтган, Иброҳимжон кўнгирик қилиб Давлатимиз мустақиллигининг 27 йиллик байрами билан табриклариди. Иши кўп экан, узоқ гурунглаша олмадик. У қайсибир тумандан осонроқ иш берилаётган бир вақтда, мени жиноят кўп бўлаётган жойга юборинлар дегани ва ҳозир шаҳарда ишга қаттиқ киришиб, ўн кундан бери энди уйга боришга вақти бўлганини айтди.

Дўстларимдан кўнглим тўқ! Ўлар юрт равнақи учун сиққидилдан меҳнат қилишга ишонаман. Яна бир нарсага собит ишонч лайло бўлди: юрт тинчлиги шундай мард, танги йиғитлар қўлида экан, демак, гузал дийримидада осойишталик ҳукм сувереради.

XALQARO HAMKORLIK

ХИТОЙ ТАЖРИБАСИДАН БИР ШИНГИЛ



О. А. КАТАЕВ

Дастлаб меҳмонлар кўхна кентағи Ёшлар маркази фаолияти билан танишиди. Ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгаши раиси Зариф Комилов хитойлик мутахассисларга марказдаги тўғараклар, йиғит-қизлар учун яратилган шароитлар ҳақида сўзлаб берди. Делегация аъзолари тўғарак аъзолари билан ҳам сўхбатда бўлди. Бундай мулоқот самараси ўлароқ, келгусида марказда хитой тили курсларини ташкил этишга келишиб олинди.

Шу ернинг ўзида бухоролик ёш тадбиркорлар ва бизнесга энгизгани қадам қўётган ёшлар учун "Бизнес таъминнинг замонавий

йўналишлари: Хитой тажрибаси" мавзусида маҳорат дарси ўтиди. Иштирокчилар тадбиркорлик фаолиятида муваффақиятга эришиш сирларидан бохабар этилди.

Маҳорат дарсида қатнашиш учун Самарқанддан келдим, — дейди "Javlonbekuz.samstroy" корхонаси дирек-

Лайло ҲАЙИТОВА

Хитой Халқ Республикасининг "Умумжаҳон ёшларни ривожлантириш форуми" ташкilotи ижрочи президенти Си Лью хоним бошчилигидаги делегация юртимизга таширфини яқунлади. Делегация аъзоларининг сўнги манзили Бухоро вилояти бўлди.

тори Жавлон Пиримқулов. — Хитойлик мутахассисларнинг машғулотини гоётада руҳлантирди. Бундай тадбирлар кўпроқ ўқувчи турлишишни хоҳлардим. Ўзимизга фойда, ахир.

Кун давомида делегация аъзолари Бухоронинг тарихий қадамларини зиёрат қилди.

TURMUSH CHORRAHASIDA

КУЛИБ ТУРИБДИ ДЕМАНГ...

Насиба АБДУЛЛАЕВА

"Хотин-қизлар ижтимоий ҳаётда маъдаланинг роли" мавзусидаги мажлис чўзилгандан-чўзилди. Баъзилар ухлаб, кимдир эснаб ҳо-муза тортиди. Амалга оширилиши қийин, сийқаси чиққан гап-сўзлардан хунобим ортди. Қорним қулдираб, бошимга огриқ кирди. Ахир, тушлик вақти ўтиб кетганига ҳам икки соатдан ошди-да!

Ниҳоят, йиғин тугаб, ҳамма ўзини эшикка урди. Уйгача боришга кўзим етмай, йўл четиндаги емакхонага кирдим. Ҳўранда йўқ, ҳисоби. Четдаги стога ўтириб, кимлар кўнгирик қилди экан, деб телефонимни қовлаштирдим.

— Ассалому алайкум, опа, қайси таомни буюрасиз? Бошимни кўтариб, майин овоз соҳибасига юзландим. Ё табва! Офишант аёлининг гўзаллигидан ҳайратланиб, гап тополмай қолдим.

— Борини олиб келаверинг, — дея олдим зўрга. У патнисада нон, чой, косада шўрва олиб келди.

— Жуда чарчабсиз-а, опа, ичиб олинг, ош бўлсин! — Ўзингиз ҳам ўтиринг, — дедим унинг гамҳўрлигидан мутаассир бўлиб.

— Ҳўранда билан ўтиришга рухсат берилмади, лекин ҳозир озорқ танлаффусимиз бор, ўтириш мумкин, — деди у самимийлик билан.

Сўхбатимиз қизиқ кетди. Ўзини Мунира деб таништирган аёл, икки ўғли, икки қизи бор, эри

касал, қишлоқда иш йўқлиги сабаб, уч йилдан бери шу ошхонада ишлашкан. Топганини уйига жўнатар, салгина юраги безовта қилишини айтмаса, ҳамма ишлари жойида экан.

Аёлининг гапларида умуман нолиш оҳанги йўқ эди. Аксинча, жуда-ям чиройли сўзлар, уни тинглаб, мажлисдаги диққинафасликлар ҳам эсдан чиқди. Мунира мени кучагача кузатиб қўйди.

Уни тез-тез эслардим. Айниқса, ўзини аямаслиги, ҳатто ошхонада кечалари ҳам картошка, пизез, сабзи аричи чиқишини ўйлаб, жонига ачиндим.

Иттифоқо, бир кун ошхона олдида ўтиб қолдим. Мунирадан ҳол-аҳвол сўрай деган мақсада у ерга бош суқдим. Офишантлар қўлида дафтар-ручкаси билан чопиб юрибди. Ҳамма ўз иши билан банд. Озиндан келган, новча офишант қизини қақриб, ундан Муниранинг сўрадим. Қиз менга тикилиб қолди. Кўнглим ёмон нарсани сезди.

— Кими бўласиз, опа? — Танишиман.

Офишантнинг кўзлари ёшланди. — Мунира опа оламан ўтганига бир ой бўлди. Юрак хуружидан вафот этди.

Ток ургандек салпиб тушдим. — Фаришта аёл эди, раҳматли, — кўз ёшлари артади қиз. — Уйим, болам-чакам деб яшарди. Ичи ҳам, юзи ҳам гузал эди. Не-не бойвачалар оғиз солмади, дейсиз. Бирор-тага қайридиб қарамаган. Булоқ сувидек покиза эди.

— Эри касал экан... — Асо. Аза кунни бутун жомоамиз билан уйига бордик. Ҳўқиздек соғ, боқиманда одам экан, тўнғиз. Аёлининг жўнатганини еб ётар экан, касофат.

Ўттиз беш ёшли аёлининг бу дунё билан ҳўлашганига ишонгим келмасди.

Аёл... Дунёнинг бутун ташвишу муаммоларини мўъжазгина елкаларига ортмоқда, қийналиб бораётган зот. Филдек кучли, капалакдек нозик. Муниранинг атирғул янглик сиймоси кўз олдидадан кетмасди. Бўғимизга тикилган йиғини аранг тўхтатдим. Наҳотки... Шу аёлгина яшаса бўларди. Бечоранинг юраги касал эди. Унга алоҳида парварши, эътибор зарур эди. Асида енгил юмуш ҳам унга оғирлик қиларди. Хафта юрагини уйламаган аёл болаларининг қорни тўқ, усти бутлагидан, уларга ҳалол луқма едираётганидан бахтиёр эди.

Ногоҳ ҳаёлимга Муниранинг ҳамкасби — офишант қизининг хўрсиниб айтган сўзлари келди: — Опа, ўқитувчи экансиз, Ҳалима опанинг "Аёл кулиб туриб ўлиши мумкин" деганлари ҳақиқат экан. Мунира опа билан видолашгани кирсақ, жиймаган қўйи ётибди, бояқиш!

TASHABBUS



70 НАФАРИГА

ИЖОБИЙ ТАВСИЯНОМА БЕРИЛДИ

Ёшлар иттифоқининг Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган йиғит-қизлар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи ташкил қилинди.


Аҳбор СОДИҚОВ

Лойиҳага 122 нафар ўсим қамраб олинди. Улар Яққабғ туманидаги "Шўртан-нефтгаз" масъулияти қарашли жамиятига қарашли "Шўртан қалдирғочи" оромгоҳида жам бўлди.

Болалар мазмунли дам олиш баробарида, турли тадбирлар ва давра сўхбатлари орқали ҳуқуқий маданиятини ошириш имкониятига ҳам эга бўлди. Спорт ва бошқа йўналишлардаги тўғарак машғулотлари эса, уларнинг ҳар жиҳатдан чинқишига ёрдам берди. Яқунда ёшлар ташкilotи лойиҳада фаол иштирок этиб, жиноят қўчасига адашиб кириб қолганини аглаб етган 70 нафар вояга етмагани муқддидан олдин профилактик ҳисобдан чиқариш учун ижобий тавсиянома берди.

PSIXOLOG MASLAHATI

— O'g'lim bolaligidan erka o'sgan. Nimani xohlasa, muhayyo etardik. Biroq negadir tengdoshlari bilan chiqisholmasdi. Shuning uchun maktabini tez-tez almashtirishga to'g'ri kelgan. Kollejni bitirib, deyarli uydan chiqmay qo'ydi. Kundan-kunga odamovi, qat'iyatsiz, uyatchan bo'lib bormoqda. Asosiy vaqtini kompyuter qarshisida o'tkazadi. O'yinga mukkasidan ketgan. Boshqa narsa bilan ishi yo'q. Otasi bilan urishib, uydan chiqib ketgan kunlari bo'ldi. Bolamga qanday yordam bersam bo'ladi?



Madina TO'LAGANOVA
Toshkent shahri

Savolga psixolog Zamira TESHABOYEVA javob beradi:

— Farzandni erka o'stirishning natijasi bu. U mas'uliyatni bo'yng'a olishga o'rganmagan. Shu bois mustaqil bo'lgisi yo'q. Bundan qochishga urinyapti. Kelajagi haqida qayg'urinishing esa, battar g'ashini keltirmoqda. Maktabda do'stlar orttirib, endi muhitga moslashgan paytida bolani

boshqa ta'lim muassasiga o'tkazish ham psixikasiga ta'sir ko'rsatib, odamovilashtirib qo'yadi. O'smir uchun ishonch muhim ahamiyatga ega. Shunday ekan, endi farzandingizga ishonch bildirib, kelgusi rejalarni hamkorlikda amalga oshirmoqchi ekaningizni ayting. Ota-bola ham

bir-biri bilan ochiq-oydin suhbatlashib, munosabatlarini qayta tiklab olsin. O'g'lingizga ko'proq vaqt ajratsangiz, kompyuterga qaralikdan tezda qutuladi. Iloji bo'lsa, qiziqishga qarab sport yoki musiqa to'garagiga bering. Chunki sport va san'at insonga taskin bera oladi.

SABOQ

Abdulla RUSTAMOV

Chol ajaldan qo'rqib ketib, jon holatda: — E, manavi o'tinni ko'tarishga yordam berarmikan, deb chaqirgan edim, taqdir, — deb javob qaytaribdi. Xulosa: kishi qanday vaziyatda bo'lmasin, har bir so'zini o'ylab turib, so'nggina aytishi lozim. Aks holda, o'zini juda noqulay ahvolda solib qo'yishi mumkin. Xalqimiz "Avval o'yla, keyin so'yla", deb bekorga aytmagan.

CHOL VA AJAL

Bir chol o'rmondan o'tin terib, arqon bilan bog'lab, orqasiga ko'tarib uyiga qaytayotgan ekan. Yuki og'ir bo'lgani uchun juda charchabdi. Bu yog'iga ko'tarib borishga madori qolmay, "E Xudoyim,

bunday qiyin hayotni berguncha, menga o'lim bersang bo'lmasmidir?", — deya nolibdi. Shunda nogahon ajal yetib kelib: — Nima uchun meni chaqirding? — debdi.

BILASIZMI?

Darsliklar to'plami uchun ijara to'lovi miqdori respublika bo'yicha yagona bo'lib, uning narxlari 2018/2019 o'quv yili uchun quyidagicha belgilangan:

- umumta'lim maktablarining birinchi sinf o'quvchilari uchun — bepul;
- 2-sinflari uchun 12 ta darslikdan iborat to'planning ijara narxi 26 900 so'mni;
- 3-sinflar uchun 11 ta darslikdan iborat to'planning ijara narxi 13 200 so'mni;
- 4-sinflar uchun 11 ta darslikdan iborat to'planning ijara narxi 15 300 so'mni;
- 5-sinflar uchun 13 ta darslikdan iborat to'planning ijara narxi 7 400 so'mni;
- 6-sinflar uchun 15 ta darslikdan iborat to'planning ijara narxi 14 600 so'mni;
- 7-sinflar uchun 16 ta darslikdan iborat to'planning ijara narxi 13 700 so'mni;
- 8-sinflar uchun 17 ta darslikdan iborat to'planning ijara narxi 8 900 so'mni;
- 9-sinflar uchun 17 ta darslikdan iborat to'planning ijara narxi 9 400 so'mni;
- 10-sinflar uchun 17 ta darslikdan iborat to'planning ijara narxi 22 800 so'mni;
- 11-sinflar uchun 19 ta darslikdan iborat to'planning ijara narxi 41 800 so'mni tashkil qiladi.

Manba: Adliya vazirligining Huquqiy-axborot kanali.

HIKMAT

Ilm o'qishga bog'liq, faxr — ishga, farovon hayot — tirishqoqlikka, mukofot — taqdirga.

"Avesto" dan

"O'ZBEK MUSIQA SAN'ATI" bilimdonlik mashqlari

Crossword puzzle grid with numbers and letters.

KROSSVORD. Bo'yiga: 1. Qoraqalpog' ashula va raqs ansambli. 2. Bastakor, dirijyor, o'zbek operasi asoschilaridan biri. 7. Terma qo'shiq. 8. Asbobni chalish

moslamasi. 21. O'zbek xalq raqs kuyi. 22. Olti maqomning biri. 6. Bolalar xori san'ati ustози, dirijyor, kompozitor. 27. Torli soz. 28. Jahonga tanilgan doirachi sozanda.

Eniga: 16. Musiqa asbobiga tortilgan sim. 19. Musiqa asari. 23. Doiraning yana bir nomi. 25. Puflama soz sozandasi.

Tuzuvchi: Foziljon ORIPOV.

Diagonal bo'yicha o'ngga: 1. Xalq raqs kuyi. 14. Qo'shiqdagi eng yuqori parda. 15. Chertma cholg'u asbobi. 20. Taniqli estrada ansambli. 21. "Shashmaqom" tarkibidagi maqom. 24. O'zbek xalq mumtoz kuyi. Diagonal bo'yicha chapga: 2. O'zbek xalq musiqa merosidagi cholg'u kuylar. 15. Musiqa asobining qismi. 19. G'ijjak chalish moslamasi. 23. Maqomlardan biri. "Zanjir" holdida: 3. O'zbek musiqa san'atining atqoli bilimdoni, akademik ijodkor. 4. Mumtoz ashulalar ijrochisi, ustoz xonanda. 5. "Sharq taronalari" festivali bo'lib o'tadigan Samarqanddagi maskan. 6. Qo'shiqning takrorlanuvchi qismi. 9. Tirnama cholg'u asbobi. 10. Erkaklarga xos ovoz. 11. Xorazmga mansub maqom ijrosi yo'llari va mumtoz ashulalar turkumi. 12. Kuyga solingan asar. 13. Davra qo'shig'i. 17. Bolalar qo'shiqlari kuylari muallifi, bastakor. 18. Onalar qo'shig'i. MUAMMONOMA. Kalit so'zlar: 1. Fors-tojik mumtoz shoiri va mutafakkiri, "Musiqa risolasi" asari muallifi — 1, 10, 12, 15, 9, 1, 23, 3, 2, 5, 19, 2, 3, 4, 6. 2. Maqomlar anjumani bo'lib o'tadigan shahar — 20, 1, 23, 9, 4, 8, 1, 10, 21. 3. "O'n ikki maqom" tarkibidagi maqom — 9, 1, 23, 2, 14, 4, 6. 4. "O'n ikki maqom" turkumidagi olti ovozdan biri — 17, 1, 9, 12, 15, 5. 5. Maqomlarning ashula yo'llaridan biri — 11, 1, 16, 7, 4, 5. 6. Qisqa dastali, pardasiz, torli musiqa asbobi — 7, 22, 10, 4, 21. 7. Torli cholg'u asboblari dastasini bo'g'inlarga ajratuvchi to'siqlar — 24, 1, 9, 12, 1. 8. Dutor torlarini ko'tarib turuvchi moslama — 18, 1, 9, 1, 13. Endi kalit so'zlari javoblari orqali shakl atrofidagi raqamlarda yashiringan muammonamni hal eting. Bunda ulardan maqom san'atiga oid nodir asarlar va ularning mualliflarini bilib olasiz.

ENSIKLOPEDIK MA'LUMOT

GINNESNING REKORDLAR KITABI — tabiat va insoniyat olamidagi olamshumul ulkan yutuqlar, noyob hodisalar va g'aroyib voqealar haqidagi xabarlardan iborat bo'lgan ma'lumotnom nashr. 1955-yildan beri ingliz nashriyoti "Ginnes publishing limited" (Guinness Publishing) tomonidan har yili (1957- va 1959-yillardan tashqari) nashr etib kelinadi. 1990-yilgacha 37 tilda 264 marta, umumiy adadi 65 milliondan ziyod nusxada nashr etilgan.

SIZ NIMA DEYSIZ?

Kerak emas bizga "KIKI"!

Ma'mura XO'JAULOVA

Har kuni ishdan qaytganimda jiyanim Muxlisaxon chopqillab kelib: "Opa, keling, "Kiki"ga o'ynaymiz", — deya holi-jonimga qo'ymaydi. Oxiri so'radim:

— Qanaqa "Kiki", nima haqida gapiryapsan o'zi? — Eh, opa, shuni ham bilmaysizmi? "You Tube"dagi videorolikni ko'ring, bilib olasiz. Hozir "Kiki"ga o'ynash rosa moda bo'lib ketdi-yu. Bu gapdan keyin "Kiki" qanday raqs ekanini bilishga oshiqdim. Ijtimoiy tarmoqlarni titkilab, oz-moz ma'lumot yig'dim.

"Kiki challenge" raqsi ilk bor kanadalik reper Obri Dreyk Gremning "In My Feelings" qo'shig'iga ijro etilgan. Keyin-

keyin internetning kuchi bilan ancha ommalashib ketdi. Uning nimasi qiziq deyingiziz mumkin. Chindan ham, yurib borayotgan avtomobildan tushib, eshigini ochib qo'yganda holda raqs tushishdan zavqlanadigan ahvolda kelib qoldikmi?

Nogahon buvimning: "Birov o'zini tomdan tashlasa, ketidan sen ham tashlash shart emas", — deya tanbeh bergani yodimga tushadi. Ilgari bu g'apning ma'nosini uqmasdim. "Axir, o'zini

tomdan tashlaydigan ahmoqlar yo'q-ku", — derdim o'zimcha. O'yab qarasam, falonchi "Kiki"ga o'ynab ketayotganini videoga olib, "Instagram"dagi sahifasiga joylashtiribdi, men undan ham zo'riga qodirman, deya bo'lar-bo'lmas qizilarni qiluvchilar aslida o'zini tomdan tashlaydiganlar ekan. Elda obro' qozongan xonandalar hatto xalq artistlari bu ishga bel bog'laganini nima bilan izohlash mumkin?

Hozir dunyoning turli davlatlarida ba'zi odamlar "Kiki" sabab avtohalokatga uchratayotgan haqida xabarlar tarqalmoqda. Bunday noxush holatlarim oldini olish maqsadida katta yo'lida raqsqa tushib o'zini-o'zi videoga oluvchi shaxslar jarimaga ham tortilyapti. Tunov kuni televizorda innovatsion usul asosida meva yetishtirayotgan yosh fermer haqida ko'rsatuv berildi. U qisqa muddatda sifatli hosil olayotgan ekan. Yurtga naf keltirayotgan tengdoshlarimizdan o'mak olaylik, azizlar. Zora, oramizda "o'zini tomdan tashlaydigan"lar kamaysa. Siz nima deysiz?

YOSHLIK ILHOMI



Sherzod MAHMUDOV

"... Bolam, tuzukmisan? Nevaralarim yaxshimi? Xotiningiz sizlarga yaxshi qarayaptimi? Mendan ko'ngling to'q bo'lsin. "Otam, nega xat yozyapti ekan?" deb xavotir olma. Kecha senga telefon qilgandim. Ishda bo'lsang kerak, javob bermading. Ovozningni eshitgim kelgandi. Nima qilay, axir, otangman! Shuning uchun bu maktubni yozyapman. Bu yerda hammasi yaxshi. Hamshiralar mehribon, hamxonalarim ham bama'ni odamlar. Ammo sen yo'qsan. Seni juda sog'indim. Ko'zimda yosh bilan shu so'zlarni biyapman. Odam keksayganda yosh boladay, yig'loqi bo'lib qolar ekan.

O'g'lim, ishlaring yaxshimi? O'zingni ko'p urintirma. Dam olgin. Yo'qsa, tobing qochib qoladi. Bolaligidan tez-tez kasal bo'larding. Sovuq tushib qoldi, issiqroq kiyinib yur! Shamollab qolmagin! Kelin sen va nevaralarimga yaxshi qarayaptimi?

Nevaralarimning o'qishi qanday? Kattang maktabda to'polonchi bo'lib ketganini eshitgandim, ustozlaridan biri menga yaqinda qo'ng'iroq qildi. "Bobosisiz, ayting, tartibga chaqirib qo'ying", — dedi. Unga Muruvvat uyida ekanimni ayto'lmadim. "Xo'p" dedim-u, go'shakni qo'yib qo'ydim. Sen bolani urma, yaxshi gap bilan tarbiya qil. Bola bir buloq, ko'zini to'sib qo'ysang, qurib qoladi.

Kichiging katta bo'p qoldimi? Men ketganda bog'chada edi. Hozir maktabga chiqdim? Yaxshi o'qisin. Ulami ko'maganimga ancha bo'ldi. Bir kelib ketsang bo'lardi. Axir, ikki oydan oshdi. Onangning qabriga ham borib turibsanmi? O'tgan kuni bogandim, qabr ustini xas-hashaklar bosib ketibdi. Onang unday

ytomasin. Sarishtali ayol edi, so'nggi manzil-makoni sarishtasiz bo'lmasin. Oz-moz tozaladim. Qarjchilik qursin, ish qilishga yaramay qolyapman. Charchab, o'sha yerdagi o'rindiqqa o'tirib qolibman. O'tgan yillarimiz yodimga tushdi. Ishdan kech kelsam, onang meni uxlamay kutib o'tirardi. Men esa, xonangga kirib: "Yolg'izim, tayanchim, o'g'lim!" — deb uxlab yotgan paytning peshonangdan o'pib qo'yardim. Ajib bir davrlar ekan...

O'g'lim, negadir oxirgi paytlarda tushlarim aloq-chaloq. O'tib ketgan yaqinlarimni ko'p ko'ryapman. Onangni, otamni, onamni... Hammalari bug'doyzorda yurishibdi. Negadir mendan xavotirda. Onang menga nimanidir ilinadi. Onam boshimni silab yuradi. Otam bo'lsa, indamaydi. Faqat menga qarab xo'rsinib turaveradi...

Bolam, xotiningni ko'p urishaverma. U ham ayol. Uyida doimo asabiylashib yurgani uchun biron jahli tez bo'lib qolgan. Uni endi tushunyapman. Yosh bolalari bilan mendek so'qqabosh odamga qarash ham qiyin bo'lgan ekan. Ko'p qiyinab qo'yibman uni.

Bolam, vaqtning bo'lsa, nevaralarim bilan kelib ketgin. Seni juda sog'inganman. Bilaman, vaqtning ziq, ammo yakshanba kunlari ishlamaysan-ku! Ko'ngim kelyapti sizlarni. Muruvvat uyining rahbari "Istasangiz uyingizga borib kelishingiz mumkin", degandi. Mahalladagilardan uyadim.

Falonchi qariyalari uyidan o'g'lini ko'rgani kelibdi! — deyishlari mumkin. O'zing kelgin! Hech nima ko'tarib kelma! O'zing kelsang, bas! Diydingingga to'ysam bo'ldi! Shuning o'zi yetadi.

Bu yerda bir bog'bon bor. O'g'li otasiga ko'maklashadi, menga

yaqin bo'lib qolgan. Hali maktabda o'qiydi-yu, ko'p narsaga aqli berib yuboraman. Uyimizni biladi. Senga topshiradi. Chunki ertaga tug'ilgan kuning, Senga sovg'a olib qo'ydim. Uni ham berib yuboraman. O'zing ham kelgin — bolam. Mayli, bolam, ko'p narsa yozmayman. Ertaga kelsang, bamaylixotir ota-bola suhbatlashamiz.

Qayerda bo'lsang ham omon bo'l, bolam! Boshing toshdan, qalbing pok bo'lsin! Martabang ulug' bo'lsin! Bolalaringning rohatini ko'rib yurgin! Seni doimo yaxshi ko'rib va sog'inib qoluvchi, otang!"

20.. yil, 1-noyabr.

Ota maktubni bog'bonning o'g'lidan berib yuborib, ertangi uchrashuvni intilqik bilan kuta boshladi. U otaga tinimsiz tikilar, nazarida, vaqt juda sekin o'tardi.

Bog'bonning o'g'li nomani egasiga topshirdi. Biroq oqibat-siz o'g'li maktubni ochib ham ko'rmedi. Uta bekorchilikdan yana biron ermak topgan ko'rindi! Keyinroq o'qirman, — deb, xatni g'ijimlangan stoli ustiga qo'ydi. Shu topda dal'atan shaharning narigi chetidagi otaning yuragi g'ijimlangan qog'ozdek uvishdi. Ayozda qolib diydirab turgan yolg'iz barg kabi joni uzilay-uzilay deb qoldi. Tuni bilan alahsirab, bolasini ko'rish umidida to'lg'anib yotdi. Shifokorlar otaning vaqti-soati yetganini bilib, rozi-rizolik so'rash uchun o'g'liga ko'ng'iroq qilar, ammo u bilan bog'lanib bo'lmasdi.

O'lim haq! Ota ertasi kuni bomod namozi vaqtida dunyodan ko'z yumdi. O'g'li esa, bu paytda shirin uyquda edi...

MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan. Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI. Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiyeov, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich. Navbatchi Hasan Usmonov. Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks). E-mail: yoshlarovozi@umail.uz. "Sharq" nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshxonasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq. Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41. Indeks: 203, 3203. Bahosi kelishilgan narxda. Buyurtma G-936. Adedi — 11779. Bosilishga topshirilish vaqti — 21.00. Topshirildi — 22.30. Ofset usulida bosilgan. 1 2 3 4 5